

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИК (МАМЛАКАТЛАР ВА
МИНТАҚАЛАР БЎЙИЧА)
ЙЎНАЛИШИ**

**«ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ГЛОБАЛЛАШУВ
ЖАРАЁНЛАРИ»
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й
М А Ж М У А**

Тошкент 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: Исмаилова Н.С. – ТДИУ, “Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси мудир, доцент, иқтисодиёт фанлари номзоди
Хасанов Т.А. – ТДИУ, “Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

Тақризчи: Зокирова С.А. – ЖИДУ, “Халқаро иқтисодий муносабатлар” кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....	16
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР	36
V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР	40
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	41
VII. ГЛОССАРИЙ	43
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	57

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Ушбу дастурда хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларига асосланган ҳолда, корхона ва ташкилотларда инновацион фаолият ҳолати, уни ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион ёндошувлар иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг амал қилиши муаммолари, тегишли чора-тадбирлар белгилаш борасидаги вазифалар баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви” модулининг **мақсади** жаҳон иқтисодиётига оид назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш, жаҳондаги глобаллашув жараёнлари, жаҳон иқтисодиётидаги глобал муаммоларини аниқлаш ва баҳолаш, иқтисодий ривожлантириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳисобланади.

“Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви” модулининг **вазифалари**:

- “Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ва келиб чиқиш сабаблари, глобаллашув жараёнларини таснифланиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий тавсифлари, глобаллашув муносабатларнинг асосий шакллари ва замонавий хусусиятлари, жаҳон хўжалигининг глобал муаммолари ҳал этишда Ўзбекистоннинг ўрни ва роли борасида **билимларига эга бўлиши**;

Тингловчи:

- глобаллашув жараёнлари ривожланишининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги истиқболларини баҳолаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига оид илмий семинарларни ўтказиш ва маслаҳатларни бериш борасида **компетицияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий ҳужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT-таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” ҳамда “Халқаро иқтисодий интеграция” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув хусусиятлари, жаҳон ҳўжалигининг глобаллашуви босқичлари ва ривожланиш тенденциялари, глобаллашув шароитида инвестицион фаолият орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш каби йўналишларда назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикамиз миллий иқтисодиётидаги ислохотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда Ўқув модулнинг роли юқоридир.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат						
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси					Мустақил таълим
			жами	жумладан				
			Назарий машғулот	Амалий машғулот	Кўчма машғулот			
1.	Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув хусусиятлари	4	4	2	2	-	-	
2.	Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви босқичлари ва ривожланиш тенденциялари	4	4	2	2	-	-	
3.	Глобаллашув шароитида инвестицион фаолият орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш	6	6	-	4	2	-	
	Жами:	14	14	4	8	2	-	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув хусусиятлари

Глобаллашув жараёнининг мазмун-моҳияти, глобаллашув назарияси ва глобал иқтисодиёт, унинг асосий хусусиятлари, глобализация – иқтисодий ҳодиса, “глобал бошқарув” ғояси.

2-мавзу.

Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви босқичлари ва ривожланиш тенденциялари

Жаҳон хўжалигининг тараққиёт босқичлари ва тенденциялари, ТМҚлар халқаро капитал бозоридаги ўрни ва иштироки, жаҳон иқтисодиётини байнаминаллашуви, глобал ҳамкорлик ва мажбурият тушунчаси ва моҳияти, жаҳон хўжалигининг уч маркази ўртасидаги зиддиятлар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув хусусиятлари

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Глобаллашув жараёнининг мазмун-моҳияти.
2. Глобаллашув назарияси ва глобал иқтисодиёт, унинг асосий хусусиятлари.
3. Глобализация – иқтисодий ҳодиса.

Калит сўзлар: жаҳон иқтисодиёти, глобаллашув, байналмилаллашув, глобал бозор, очиқ иқтисодиёт.

2-амалий машғулот.

Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви босқичлари ва ривожланиш тенденциялари

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Жаҳон хўжалигининг тараққиёт босқичлари ва тенденциялари.
2. ТМҚлар халқаро капитал бозоридаги ўрни ва иштироқи.
3. Глобал ҳамкорлик ва мажбурият тушунчаси ва моҳияти.

Калит сўзлар: трансмиллий компаниялар, глобал ҳамкорлик, капитал бозори, иқтисодий байналмилаллашув.

3-амалий машғулот.

Глобаллашув шароитида инвестицион фаолият орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида интеграциялашуви.
2. Глобаллашувнинг давлатнинг инвестиция сиёсатида таъсири.
3. Глобаллашув шароитида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш.

Калит сўзлар: интеграция, иқтисодий интеграциялашув, инвестиция, инвестиция сиёсати.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ

Мазкур модулнинг ўқув режа ва дастурида “Глобаллашув шароитида инвестицион фаолият орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш” мавзусида 2 соатлик кўчма машғулот режалаштирилган.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материални ўзлаштиришда қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- **давра суҳбатлари** (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- **бахс ва мунозаралар** (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

- **Кенг кўламли суҳбат.** Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва кўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутати. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига диққатларини қарата олиши; иш жараёнида очиқ берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиш кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

- **Пресс-конференция.** Қисқа сўзга чиқишдан сўнг, биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим.

- **Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш.** Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб етишга ёрдам беради.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаш, балки уни тушуниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

- Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмалари тақдим этиш: график ташкил этувчилар




Кластер
(Кластер – тугам, боғлаш)

Маълумот харитасини тузиш ва воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йиғиш.

Кластерни тузиш қоидалари билан танишади. Аудитория доскаси ёки катта қоғоз варағи марказида калит сўзлар 1-2 сўздан иборат тарзида

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томондан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизик билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин. Ёзувга ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотулмагунча давом эттирилади.



Тоифали жадвал

Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).


- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тоифали шарҳни тузиш қоидалари билан танишилади. Ақлий ҳужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гуруҳларда янги ўқув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ғоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин.

Ишнинг натижавий тақдими

Венн диаграммаси



SWOT-таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қондаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш

Кейс.

Амалий вазият. Инновацион тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш

мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътирозлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳациз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўллари топасиз.

III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-мавзу. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув хусусиятлари

Режа:

- 1. Глобаллашув жараёнининг мазмун-моҳияти.**
- 2. Глобаллашув назарияси ва глобал иқтисодиёт, унинг асосий хусусиятлари.**
- 3. Глобализация – иқтисодий ҳодиса.**

Таянч иборалар: жаҳон иқтисодиёти, глобаллашув, байналмилаллашув, глобал бозор, очиқ иқтисодиёт.

Глобаллашув жараёнининг мазмун-моҳияти.

Жаҳон иқтисодити глобаллашуви халқаро иқтисодиётнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, улар жаҳон хўжалиги глобаллашуви жараёнлари натижасида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда халқаро товарлар ва хизматлар бозорига молиявий хизмат кўрсатиш мақсадида шаклланган халқаро молия бозори ўз кўлами ва капитал оқимлари ҳажмига кўра халқаро товар бозоридан бир неча марта катта ҳажмга эга бўлиб, натижада жаҳон иқтисодиётининг мустақил ва энг йирик сегментига айланди. Ўзбекистоннинг миллий молия бозори ҳам ўз навбатида халқаро молия бозорига чуқур интеграциялашув жараёнларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Халқаро интеграциянинг кучайиши, мамлакатимизнинг халқаро молия бозори ва институтлари фаолиятида фаол иштирок этишининг кенгайиши Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш суръатларига катта таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш асосий вазифалар сифатида белгиланганлиги бежиз эмас, албатта¹.

Глобаллашув даврида халқаро молия бозорининг моҳияти ва аҳамияти, унинг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари, халқаро молия институтларининг глобал молия бозори мувозанатини ушлаб туриш билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони

боғлиқ саъй-ҳаракатларини кенг таҳлил қилиш натижасида уларни чуқур ўрганиш мазкур фаннинг предметини ташкил этади.

Жаҳон иқтисодиётида XX-XXI асрлар бўсағасида глобаллашув тушунчаси тобора кенг қўлланилмоқда. “Глобаллашув” тушунчаси илк бор америкалик олимлар томонидан киритилган. Т.Левитт 1983 йилда “Бозорларнинг глобаллашуви” номли мақоласида глобаллашувни олдин тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада кўп кўрсаткичларга эга бўлган истеъмол товарлари стандартлашиши учун глобал бозорлар пайдо бўлиши билан боғлиқ янги тижорат воқелиги деб атаган.²

Иқтисодчи Н.Трифт глобаллашувнинг қуйидаги моҳиятлари ажратиб кўрсатади:

- молиявий марказлашувнинг кучайиши. Унинг ёрдамида кредит маблағлари шакллантирилади, кредитлар берилади ва фойдаланилади, шунингдек капиталнинг ишлаб чиқариш устидан ҳукмронлиги ўрнатилади;

- ахборотлар аҳамиятининг ошиши;
- глобал олигополиянинг тўхтовсиз кенгайиши;
- трансмиллий корпорация(ТМК)лар сонининг ортиши;
- трансмиллий иқтисодий дипломатиянинг шаклланиши ва миллий давлат ҳокимиятининг глобаллашуви.

Калифорния университети профессори М.Кастелс глобаллашув жараёнини “янги капиталистик иқтисод” деб атаб, унда ахборот, билим ва информацион технологиялар ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлик ўсишнинг асосий манбаси эканлигини таъкидлайди.

Россиялик олима И.Г.Владимированинг фикрича, глобаллашув жаҳон иқтисодиёти байналмилаллашувининг энг юқори босқичидир.

Умуман олганда, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жаҳон иқтисодиётининг ўзаро боғлиқ турли соҳа ва жараёнларининг кучайиб бориши, жаҳон хўжалигида товарлар, хизматлар, капитал, ишчи кучи ва билимлар бозорини аста-секинлик билан ягона бозорга айланишини билдиради.

Ўрта асрларда шаҳарларнинг ўсиши ва савдо-судхўрлик капиталининг ривожланиши Буюк жуғрофий кашфиётлар очилган даврда мамлакатлар ўртасида иқтисодий соҳадаги алоқаларнинг мисли кўрилмаган даражада кенгайишига ва Европадаги етакчи давлатлар: Испания, Португалия, Голландия, Франция ва Британиянинг колониал империялари ташкил топишига пойдевор яратди.

Айнан ана шу омил, шунингдек, ишлаб чиқариш, транспорт ва алоқа воситаларида улкан олға силжишни ифодалаган XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошларидаги саноат тўнтариши (инқилоби) замонавий кўринишдаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши учун зарур бўлган муҳит сифатида глобал иқтисодий макротизимни юзага келиш жараёнига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди.

² Глобализация мирового хозяйства: Учеб. пос / Под ред. М.Н. Осьмовой, А.В. Бойченко. - М.: ИНФРА-М, 2006. С.1.

Мустамлакачилик империяларининг тугатилиши ва ривожланаётган мамлакатлар (180 дан ортиқ) деб аталмиш гуруҳларнинг вужудга келиши натижасида иқтисодий алоқалар уч иқтисодий марказ, яъни АҚШ, Европа, Япония билан Осиё, Африка ҳамда Лотин Америкасидаги ёш давлатлар ўртасидаги алоқалар кўринишини олди.

СССРнинг тарқалиб кетиши ва собиқ социалистик мамлакатларнинг туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар йўлига ўтиши режали-буйруқбозлик хўжалигининг самарасиз эканлиги ва ривожланишнинг бозор моделига кенг кўламда ўтиш муқаррар эканлигини намоён қилди.

Ва, ниҳоят, ихтисослашув ва кооперациянинг чуқурлашуви билан бирга кузатилувчи ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви бир қатор интеграцион гуруҳлар, шунингдек, универсал ва ихтисослашган халқаро иқтисодий ташкилотлар пайдо бўлишини рағбатлантирди.

Глобаллашув жараёнларининг тезлашишига бир неча омиллар таъсир этади, бу омилларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ёпиқ типдаги миллий иқтисодиётдан очиқ иқтисодиётга ўтиш;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- давлат томонидан тартибга солиш усуллариининг такомиллашуви;
- трансмиллий корпорацияларнинг пайдо бўлиши;
- байналмилал иқтисодий айирбошлаш механизмларининг вужудга келиши;
- фан ва техниканинг ривожланиши.

XX асрнинг охири чораги жаҳон иқтисодиёти ўз тараққиётининг янги босқичига ўтиши бошланганлиги билан тавсифланади. Бу янги босқич олдинги ривожланиш босқичларидан тубдан фарқ қилади. Халқаро иқтисодий муносабатлар замонавий тузилмасининг қуйидаги хусусиятларини ажратиш мумкин:

а) самарали, юқори технологик ҳамда ресурсларни тежовчи ижтимоий ишлаб чиқариш билан тавсифланувчи ахборотлар иқтисодиётини шакллантириш;

б) конвейер, кенг халқ оммаси истеъмолга асосланган индустриал тизимни давлат, аралаш ва, айниқса, хусусий компанияларнинг алоҳида йўналтирилган креатив (ижодий) хўжалик фаолиятига ўзгартириш;

в) миллий иқтисодиётларни очиклаштириш тамойилларининг худудий миқёсдаги ёпиқ иқтисодий блокларни шакллантириш тамойили билан қўшилиб кетиши;

г) халқаро корпорациялар аҳамиятининг ортиб бориши шароитида давлатнинг тартибга солиш ролининг кучайиши;

д) ҳал этилишида жаҳондаги барча мамлакатларининг жамоавий ҳаракатларини талаб қилувчи, цивилизациянинг глобал муаммолари деб аталмиш экологик, хом ашё, демографик каби муаммоларнинг кескинлашиши.

Замонавий жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви қуйидаги жараёнларда намоён бўлади:

- ишлаб чиқариш байналмилаллашувининг чуқурлашуви.;

- капиталнинг байналмилаллашувини чуқурлашуви, яъни давлатларо халқаро капитал ҳаракатининг ўсиши, бунда энг аввало тўғри инвестициялар кўринишида, фонд бозорларининг байналмилаллашуви;

- ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий, технологик билимлар воситаларини алмашинувини натижасида, шунингдек халқаро ихтисослашув ва кооперациялашув, халқаро миқёсда ишлаб чиқариш ресурсларининг жойлашуви натижасида ишлаб чиқариш кучларининг глобаллашуви;

- халқаро ҳамкорликни амалга оширишни таъминловчи глобал миқёсдаги материал, ахборот, ташкилий-иқтисодий инфратузилманинг шаклланиши;

- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви натижасида айирбошлашни байналмилаллашувини кучайиши.

- халқаро ишчи кучи миграциясининг ўсиши..

- ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг байналмилаллашувини атроф-муҳитга таъсирининг ортиши, бу эса замонавий глобал муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган халқаро ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг ортишини келтириб чиқаради;

Глобаллашувнинг бир қатор ижобий ва салбий оқибатларга эга. Глобаллашув жараёнининг ижобий томонларини қуйидагича тавсифлаш мумкин.

Глобаллашув натижасида халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув чуқурлашиб боради. Бунда маблағ ва ресурслар самарали сарфланади. Глобаллашув жараёнининг асосий устунликларидан бири, харажатларнинг қисқариши, нархларнинг пасайиши ва барқарор иқтисодий ўсишга олиб келувчи ишлаб чиқариш миқёсидаги иқтисод қилиш ҳисобланади.

Глобаллашувнинг ижобий жиҳатларидан яна бири эркин савдодан келадиган ютуқ барча мамлакатларни қаноатлантиради. Глобаллашувда рақобатнинг кучайиши янги технологияларни яратилишини ва мамлакатлар ўртасида кенг тарқалишини таъминлайди. Ушбу шароитда хорижий тўғри инвестициялар суъратининг ошиши жаҳон савдосининг ўсишига олиб келади. Глобаллашувнинг яна бир афзаллиги хорижий давлатларнинг илғор илмий-техник, технологик ва малакали даражадаги қисқа муддатда ва нисбатан кам харажат талаб қиладиган янгиликларни амалиётга тадбиқ этиш натижасида иқтисодий қулайликка эришишидир.

Глобаллашув жараёнида халқаро рақобат кучайиб, миллий бозордаги ички рақобатчиларга ташқи бозордаги кучли рақиблар ҳам кўшилади. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёни энг аввало истеъмолчиларга қулай, бунда рақобат уларга нархларни пасайтириш ва танлаш имкониятини беради.

Глобаллашув илғор технологияларни тарқалиши ва глобал миқёсдаги ишлаб чиқаришнинг рационаллашуви натижасида меҳнат унумдорлигини ошишига олиб келиши, шунингдек жаҳон миқёсидаги инновацияларни амалиётга узлуксиз тадбиқ этиши мумкин.

Глобаллашув давлатларга молиявий ресурсларининг асосий қисмини айланишини таъминлашга кенг имконият беради. Глобаллашув жаҳон

ҳамжамиятини бирлашишини турли соҳалардаги ҳаракатларни фаоллаштиришни талаб қилувчи инсоният учун умумий бўлган муаммоларни, энг аввало экологик муаммоларни ҳал қилиш учун жиддий асос яратади.

Глобаллашув назарияси ва глобал иқтисодиёт, унинг асосий хусусиятлари.

Глобаллашувнинг моҳияти, сабаблари ва иккита асосий йўналишларини ажратиш мумкин.

Биринчи йўналиш бу глобализацияни характерлайдиган фаол гуруҳлар (“типерглобалистлар”). Ушбу илмий фикр тарафдорлари учун асосий хусусиятлар қуйидагилар:

1. Глобализация ва глобал иқтисодиёт инсоният ривожланишида янги эрани бошлади, унинг асосий хусусияти кишилар ўзларининг яшаш жойига боғлиқ бўлмаган ҳолда жаҳон хўжалиги ва унинг тузилишига боғлиқ бўлиб қолади.

2. Глобализация – авваламбор иқтисодий ҳодиса бўлиб, миллий иқтисодиётни интеграциялашуви бўлиб, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда ўз таъсирини кўрсатмоқда. Глобал иқтисодиётнинг шаклланиши бошқа жараёнларнинг локомотиви бўлиб чиқади.

3. Глобал иқтисодиётда миллий иқтисодиётнинг рол ўйнамайди (“иқтисодиёт чегарасиз”). Ишлаб чиқариш трансмиллий тизими меҳнат, капиталлар, валюталар, товарлар ва хизматларнинг трансмиллий бозори орқали боғланади.

4. Глобал иқтисодиётда миллий давлатлар роли камаяди, жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ташкилотининг янги модели шаклланади.

5. Мамлакатларни тараққиёти бўйича шимол ва жанубий давлатларга бўлиниши, улар ўртасида қутбланиш камайиб бормай, аксинча кўпаяди. Кўрсатилган ёндашув доирасида иккита йўналишчаларга бўлиш мумкин. Глобал иқтисодиёт мамлакат ичида ҳам, мамлакатлар орасида ҳам тенгсизликни кучайтиради.

Ҳозирги вақтдаги жаҳон иқтисодиёти иккита асосий тенденциялар билан характерланади, яъни глобализациялашув ва регионализация. Ушбу гуруҳ муаллифларининг фикри бўйича жаҳон иқтисодиёти бугунги кунда нафақат глобаллашмоқда, балки учта асосий блокда тўпланиб регионлашмоқда, яъни Европа, Шимолий Америка ва Осиё – Тинч океан ҳудудлари. Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётида Шимол ва Жануб ўртасидаги тенгсизлик кучаймоқда. Йилдан-йилга бой Шимолдаги капиталлар, товар, хизмат, технология оқимлари кучаймоқда, шу билан бирга барча ривожланиб келаётган мамлакатлар жаҳон хўжалигининг иқтисодий маргинал турига айланмоқда. Жиддий асос бўлиб шундай факт ҳам чиқмоқда, яъни асосий инвестиция оқимлари мутлақо ривожланиб келаётганларда эмас ривожланган мамлакатларда тўпланмоқда. Шу билан бирга бугунги кунда “глобал корпорация” ҳақидаги глобал иқтисодиёт ғоялари тарафдорлари фикрларига шубҳа туғдирмоқда.

Скептиклар кўз олдида “глобал бошқарув” ғояси афсонавий бўлиб чиқмоқда. Бу гуруҳ олимлари глобал тенгсизликнинг ўсиши цивилизация можароларини тасдиқламоқда, халқаро иқтисодий муносабатлари соҳасидаги сиёсат, ҳуқуқий жиҳатдан бир томонлама характерга эга бўлиб қолмоқда. Ғарб мамлакатлари бошқа дунёга шундай иқтисодий муносабатни зўрлаб ўтказмоқда, бу ўз навбатида ўзларига фойдали бўлиб, жараёнларнинг барча қатнашчиларига тегишли эмас. Бу жаарёнлар тўхтатиб бўлмайдиган жарёнدير.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига куйидаги асосий стратегик вазифалар ва йўналишларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

- мамлакатни қисқа, ўрта ва узоқ муддатли даврда барқарор ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга, аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга қаратилган концепциялар, комплекс, мақсадли, тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш, жаҳон бозорларидаги вазиятни ҳамда глобал иқтисодиёт ривожланишининг узоқ муддатли истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, таклиф этилаётган ечимлардан кутилаётган макроиқтисодий мақсадли натижалар ҳамда ижтимоий-иқтисодий оқибатларини чуқур комплекс ҳисоб-китоб қилиш;


- чуқур таркибий ўзгартиришларни ва иқтисодиётнинг диверсификациялашни, ички ва ташқи бозорларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлайдиган аниқ мақсадга йўналтирилган структуравий сиёсатни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш асосида экспорт салоҳиятини ошириш, иқтисодиётнинг импортга қарамлигини камайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, тармоқлар ва ҳудудларни мутаносиб ва уйғун ривожлантириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани илдам ривожлантириш;

- мамлакатимизни истиқболли ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва либераллаштиришни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, тадбиркорлик субъектлари билан мустаҳкам ҳамкорликда ва уларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда, иқтисодиётни бошқаришни бозор усуллари ва механизмларини кенг жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- минтақалар табиий ва иқтисодий ресурсларидан самарали фойдаланишни, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, иқтисодиёт таркиби ва аҳоли турмуш даражасидаги номутаносибликларни бартараф қилишни таъминлайдиган ҳудудларни интенсив ва комплекс ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш бўйича таклифлар, чора-тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқиш, мамлакат аҳолисининг даромадлари ва бандлигини изчил ўстиришни таъминлаш;

- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкиллаштириш, Иқтисодиёт вазирлиги аппарати ва унинг таркибий

бўлинмалари ишларининг усул ва шакллари тизимли асосда доимий такомиллаштириш, бюрократизм ва сансалорликка йўл қўймаслик, фуқаролар муурожаатларига ўз вақтида жавоб қайтариш, ходимларга юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш масъулиятини ошириш.³



Источник : Носова С.С.. Экономическая теория. 2008

Глобализация – иқтисодий ҳодиса.

Иқтисодий глобализация «ягона жаҳон иқтисодиёти, жаҳон бозори, пировард натижада жаҳон ҳамжамиятининг барпо этилишидир, - деб қайд

³ Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ – 2934-сон 28.04.2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

этади В.С. Егоров. - У Марказ – АҚШ бошчилигидаги иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг периферия – учинчи ва тўртинчи дунё мамлакатлари, ривожланаётган ва посткоммунистик мамлакатларга нисбатан мафкуравий, сиёсий ва иқтисодий экспансияси йўли билан миллий давлатлар чегарасидан ўтади (уларни кўпориб ташлайди)»¹.

Чиндан ҳам шундайми? Дунё миқёсида бозор ташкил этиш учун зўрлик ишлатилиши шартми? Бизнинг назаримизда, муаллиф бу ерда кўп жиҳатдан ҳақ. Кўп жиҳатдан, лекин тўла эмас. Агар глобализация иқтисодий тазйиқ ва сиёсий бўйсундириш чора-тадбирларига асосланган жараён деб тушунилса, у чиндан ҳам ҳақ. Лекин ушбу жараёнларга муайян тарихий нуқтаи назардан қарайдиган, иқтисодий глобализацияни фақат экспансионизм натижаси эмас, балки иқтисодий жиҳатдан нисбатан тенг бўлган давлатларнинг ихтиёрий равишда аста-секин бирлашиши, қоқоқ мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти аста-секин оширилиши ва тенглаштирилиши билан боғлиқ узок давом этадиган мураккаб жараён деб тушунадиган бўлсак, бу ерда бошқача ёндашув, бошқача талқин зарур. Аммо ҳали дунёнинг биронта ҳам ривожланган давлати шуни ўз олдига бош вазифа қилиб қўйгани йўқ.

Юқорида қайд этилган жуда қизиқарли ва фойдали илмий-фалсафий тадқиқот муаллифи айнан шу ҳақда сўз юритади. У глобализация натижасида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида тафовут кучайиб бораётганини, XX аср охирига келиб улар ўртасидаги иқтисодий тафовут нисбати 74:1 га етганини ташвиш билан қайд этади¹. Ривожланган мамлакатлар глобализациядан тобора кўпроқ наф кўрмоқдалар, улар жаҳон иқтисодиётига қўшилиш ниятидаги янги мамлакатларга ўз «ўйин қоидалари»ни қабул қилишни шарт қилиб қўймоқдалар, натижада глобализация жараёнлари ягона марказ – АҚШдан туриб тартибга солиноқда ва назорат қилиноқда².

Иқтисодий глобализацияга шу нуқтаи назардан қаралса, ушбу жараённи рўй берган ҳодиса деб эмас, балки унга сари ҳаракат деб тавсифлаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида глобализация эмас, балки регионализация жараёнлари рўй бермоқда. Шу нуқтаи назардан социологик луғатлардан бири муаллифларининг «глобализация – муайян маҳаллий кичик тизимларга табақалашган жаҳон умумий ижтимоий-маданий тизимининг вужудга келиши», деган фикрига қўшилиш мумкин.

Шу муносабат билан, бизнинг назаримизда, иқтисодий глобализация сари ҳаракат тўғридан-тўғри эмас, балки иқтисодий салоҳияти тенг мамлакатларнинг минтақавий (маҳаллий) уюшмалари орқали амалга оширилмоқда. Бу ерда тенг салоҳиятли дегани бир хил деган маънони англамайди. Марказий Европадаги айрим собиқ социалистик мамлакатлар Европа иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши шундан далолат беради. Маълумки, ушбу мамлакатлар ўз иқтисодий кўрсаткичларига кўра Европа ҳамжамиятининг эски аъзоларидан анча орқада.

¹ Егоров В.С. Философия открытого общества. – 227 б.

¹ Егоров В.С. Философия открытого общества. – 228, 229 б.

² Қаранг: Егоров В.С. Философия открытого общества. – 227 б.

Ушбу тушуниш жаҳоннинг ривожланган давлатлари иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишнинг бошқа йўллари истисно этмайди. Аммо бунга эришиш жуда ҳам қийин. Ҳатто яқин ўтмишда жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан энг қудратли давлатларидан бирининг ўзагини ташкил этган Россия ҳам ҳанузгача «Катта еттилик»нинг реал, тенг ҳуқуқли аъзоси бўла олмаяпти.

Кўриб турганимиздек, глобализацияга ўтиш шакллари жуда серқирра ва ранг-барангдир. Улар жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларида: сиёсий ва ижтимоий соҳаларда, иқтисодиётда, маданиятда, миллатлараро муносабатларда ва ҳ.к.да намоён бўлади.

Ҳозирги замон иқтисодий фани иқтисодиёт соҳасида глобализациянинг уч асосий йўналишини қайд этади:

- а) молиявий глобализация;
- б) жаҳон савдосининг унумдорлигини ошириш;
- с) дунё миқёсидаги транснационал бирлашмалар тармоғининг вужудга келиши ва кенгайтирилиши.

Ушбу йўналиш доирасида глобализациянинг қуйидаги асосий жараёнларини қайд этиш мумкин:

- иқтисодиётнинг интернационализациялашуви;
- жаҳон ягона алоқа тизимининг равижланиши;
- ахборот, билимлар ва экспертлар аҳамиятининг ошиши;
- транснационал иқтисодий дипломатиянинг яратилиши.

Иқтисодиётдаги глобализациянинг ўз тарафдорлари ва танқидчилари мавжуд. Айримлар глобализацияга ижобий ҳодиса деб қарайди, чунки у бутун жаҳонда меҳнат унумдорлигини ва одамларнинг турмуш даражасини оширишга қодир. Уларнинг фикрича, дунё миқёсидаги иқтисодий интеграция меҳнат тақсимотини яхшилайдди, меҳнат ҳақи даражаси паст мамлакатларга кўп меҳнат сарфини талаб этувчи ишлаб чиқаришларга ихтисослашиш, меҳнат ҳақи даражаси катта бўлган мамлакатларга эса ишчи кучидан янада унумли фойдаланиш имконини беради. Глобализация капитални инвестициялар учун қулайроқ шартлар таклиф қилган исталган мамлакатга жойлаштиришга, маҳаллий молиявий лойиҳаларнинг паст даромаддорлиги тузоғига илинмасликка имконият яратади.

Глобализация танқидчилари бунга қарама-қарши фикрларни илгари суради. Уларнинг таъкидлашича, меҳнат ҳақи даражаси паст бўлган ривожланаётган мамлакатлар томонидан рақобатнинг кучайиши ривожланган мамлакатларда иш жойлари қисқартирилиши ва ҳатто меҳнат ҳақининг камайтирилишига олиб келади.

Шу нуқтаи назардан «Труд-7» газетасида эълон қилинган бир мақола¹ диққатга сазовор. Унда кўк рангли жинси (blue jeans) ишлаб чиқарувчи машҳур «Леви Страус» компаниясининг тақдири ҳақида сўз юритилади. Компанияга рақобат тазйиқи кучайиши натижасида у ишлаб чиқариш ҳажмининг бир қисмини ишчилар ўз меҳнати учун кўп ҳақ тўламайдиган жойларга, яъни ривожланаётган мамлакатларга кўчиришга мажбур бўлди. Мақола

¹ Қаранг: «Джинсовое счастье». Газета «Труд-7», 18 апреля 2002 г. №68.

муаллифларининг фикрича, ушбу тазйиқ замирида айнан глобализация жараёнлари ётади. Унда ривожланган мамлакатлар ўз рақобатбардошлигини ошириш учун меҳнат ҳақини ва ижтимоий таъминот нафақаларини камайтиради, атроф муҳит устидан назоратни сусайтиради. Рақобат тазйиқи натижасида аксарият давлатлар ўз иқтисодий сиёсатини амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлади. Иқтисодий тангликларни вужудга келтиришга қодир молия корчалонлари таъсири кучайиб бораётгани ҳам жиддий ташвиш уйғотади.

Шу муносабат билан миллий иқтисодиётлар ягона жаҳон хўжалигига қўшилиши жараёни илгари рўй берган жараёнларга қараганда бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга.

Илгари, XX аср бошида жаҳоннинг катта қисми глобал иқтисодиётда иштирок этмас эди. Бугунги кунда савдо-сотиқ ва инвестицияларга ўз чегараларини очиб қўйган мамлакатлар сони жуда кўпайди. Нафақат ривожланган мамлакатлар, балки ривожланаётган мамлакатлар ҳам бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ ислохотларни амалга оширмоқдалар.

Иккинчи хусусият алоқа воситалари қиймати камайиши ҳисобига транспорт харажатларининг қисқаришида ифодаланади. Арзон ва самарали коммуникациялар тармоғи фирмаларга ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар хил таркибий қисмларини турли мамлакатларга жойлаштириш имконини беради. Бундан ташқари, замонавий ахборот технологиялари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида жисмоний алоқаилиш заруриятини анча камайтиради ва уларга илгари халқаро бозорларда сотишнинг иложи бўлмаган товарларни реализация қилишнинг янги шаклларини топиш имконини беради.

Учинчи хусусият – ялпи халқаро молия оқимлари тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, ер юзидачет эл валютасининг кундалик айланмаси 1973 йилги 15 млрд. АҚШ долларидан 2000 йилда 1,5 трлн. АҚШ долларига кўпайди.

Тўртинчи хусусият фан-техника тараққиёти ва «ахборот жамияти»нинг шаклланиши билан боғлиқ. Оммавий саноат ишлаб чиқариши одатдаги ҳодисага айланди. Учинчи дунё мамлакатларидаги таълим дастурлари ва техник тараққиёт натижасида турли мамлакатлар ишчиларининг меҳнати бир хиллашди, бинобарин, меҳнат ҳақидаги катта тафовут ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имконияти кенгайди.

Транснационал корпорациялар глобал иқтисодиёт ривожланишини ҳаракатлантирувчи кучлардан бирига айланиб бормоқда. Масалан, транснационал корпорациялар ўз мамлакатларидан ташқарида амалга оширган сотиш ҳажмлари экспорт ҳажмларидан 20-30% тезроқ ўсмоқда. Транснационал корпорациялар умумий сотиш ҳажмининг ўрта ҳисобда 45% ни экспорт ташкил этади. Молия бозорларида транснационал корпорациялар муҳим операциялар ҳолатини белгиловчи кудратли кучга айланмоқда. Уларнинг ялпи валюта захиралари жаҳоннинг барча Марказий банклари умумий валюта захираларидан бир неча баравар кўп.

Хуллас, глобализация ҳам давлатлараро, ҳам транснационал шаклларда ривожланадиган икки ёқлама жараён. Шу сабабли унинг ташувчилари ҳам кўп: давлатлар, уларнинг иттифоқлари, халқаро ташкилотлар, ноҳукумат ташкилотлари. Иқтисодий глобализациянинг табиати икки қарама-қарши тенденция: 1) ранг-барангликнинг камайишига қараб бир хиллашиш ва 2) турмуш даражаси ва тарзида тафовутларнинг кўпайишида ҳам намоён бўлмоқда.

Ҳозирги иқтисодий глобализация муаммоларининг таҳлилида Ўзбекистон Республикасида рўй бераётган глобализация жараёни ва унинг жаҳон ҳамжамиятига, шу жумладан халқаро иқтисодиётга кўшилиши биз учун алоҳида ўрин эгаллайди.

Ушбу жараёнда республикамиз ўрнини белгилар экан, И.А.Каримов Ўзбекистон капитал сарфлаш нуқтаи назаридан ҳам, дунё миқёсидаги кенг қамровли хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида минтақада барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам борган сари эътиборга сазовор бўлиб бораётганини қайд этади. «Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман - бутун сайёрамиз кўламида ҳам собитқадамлик, барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур»⁴.

Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда - дунё миқёсида ва минтақа кўламида - интеграция жараёнларида қатнашса-да, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатда ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, жаҳон иқтисодий тизимига Ўзбекистоннинг кўшилиши йўлларини мустақил белгилаш тамойиллари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда.

2001 йил июнда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқида И.А.Каримов Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида нафақат сиёсий, балки иқтисодий алоқаларни ҳам янада мустаҳкамлашга чақирди ва: «Бизнинг диққат-марказимизда кўп қиррали иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик тизимини ташкил этиш ва чуқурлаштириш масалалари туриши лозим»,⁵ деб қайд этди.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт қафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997. – 288 б.

⁵ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т., 2001. – 347 б.

Иқтисодий глобаллашувнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат

молиявий глобаллашув

трансмиллий корпорациялар фаолиятининг глобаллашуви

халқаро савдонинг либерализациялашуви

иқтисодиётнинг минтақалашуви

етақчи мамлакатларнинг инфор­мацион иқтисодиётга ўтиши

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув кўрсаткичлари 1990,2014–2016 йй.

№	Кўрсаткичлар	Жорий нархлардаги ҳажми (млрд.доллар)				
		1990 й.	2005–2007 йй. (инкирозгача бўлган давр ўртача кўрсаткичлари)	2014й.	2015й.	2016й.
1	Жаҳон ЯИМ	23464	52331	78501	74178	75259
2	Товар,хизматлар экспорти	4424	14952	23563	20921	20437
3	Тўғридан–тўғри хорижий инвестицияларни оқими	205	1 426	1 324	1774	1746
4	Тўғридан–тўғри хорижий инвестицияларни оқиб кетиши	244	1459	1253	1594	1452
5	Олиб кирилган тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар умумий ҳажми	2197	14496	25108	25191	26728
6	Олиб чиқилган тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар умумий ҳажми	2254	15184	24686	24925	26160
7	Трансчегаравий қўшилиш ва ютилиш	98	729	428	735	869
8	Хорижий филиалларнинг қўшилган қиймати (ишлаб чиқариш)	1073	4636	7355	8068	8355
9	Хорижий филиалларнинг жами активлари	4595	41140	104931	108621	112833
10	Хорижий филиаллар сотиш ҳажми	5097	19973	33476	36069	37570
11	Хорижий филиаллар экспорти	1444	4976	7854	6974	6812

UNCTAD, World Investment Report 2017.

Назорат саволлар:

1. Глобаллашув жараёнининг мазмун-моҳияти.
2. Глобаллашув назарияси ва глобал иқтисодиёт, унинг асосий хусусиятлари.
3. Глобализация – иқтисодий ҳодиса.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. 1.Клюков Л.Н.Мировая экономика и экономическая теория.М., 2014.
3. Думная Г.М.Новая экономическая теория. М.,2013
4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ – 2934-сон 28.04.2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.
5. Егоров В.С. Философия открытого общества. – 228, 229 б.
6. Қаранг: Егоров В.С. Философия открытого общества. – 227 б.

2-мавзу. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви босқичлари ва ривожланиш тенденциялари

Режа:

1. Жаҳон хўжалигининг тараққиёт босқичлари ва тенденциялари.
2. ТМҚлар халқаро капитал бозоридаги ўрни ва иштироки.
3. Глобал ҳамкорлик ва мажбурият тушунчаси ва моҳияти.

Таянч иборалар: трансмиллий компаниялар, глобал ҳамкорлик, капитал бозори, иқтисодий байналмилаллашув.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги ўз тараққиёти даврида бир неча босқичларни босиб ўтган. Улар куйидагилардан иборат:

1-босқич: XIX асрнинг охирилари–1939 йилгача. Жаҳон хўжалиги мустамлакачилик тузимига эга бўлган. Инвестиция (сармоя)лар ривожланган мамлакатлардан тўғридан тўғри ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган. Капитал экспорт қилган мамлакатлар назорат остида бўлган ҳудудларда табиий ресурслардан фойдаланиш жаҳон иқтисодий тартибининг қонуний кўринишда бўлган. Шу тариқа ривожланаётган мамлакатларда маълум ихтисослашган тармоқлар вужудга келган. Уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари янгиланган. Аммо уларнинг иқтисодиёти моно (якка) тармоқ характерида бўлган.

2-босқич: 1945-1975 йиллар. Мустамлака мамлакатларнинг миллий озодлик кураши, мустамлакачилик тизимининг қулашига олиб келди. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар сиёсий мустақилликка эришгач, хорижий мулкларни национализация қилдилар. Иқтисодиётнинг давлат секторини

яратдилар. Натижада хорижий капитал оқими ва уларнинг йўналиши ўзгара борди.

Хусусий капиталнинг 90 % экспорти ривожланган мамлакатларга йўналтирила бошлади. Ушбу босқичда глобал бошқарув институтлари (БМТ, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Бутунжаҳон савдо ташкилоти ва бошқалар) вужудга келди. Улар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва сиёсий муносабатларда мамлакатларнинг ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқдилар.

3-босқич: 1975 йилдан то ҳозирги кунгача. Жаҳон иқтисодиётида катта ҳукмронликни трансмиллий корпорациялар (ТМК)лар кўлга олади. Ушбу босқичда ривожланган мамлакатлар ва трансмиллий корпорация капитал қўйилмалар тузилишини рационализациялаш, ҳудудий, иқтисодий интеграция-байналминал устунлигидан фойдаланишга интиладилар. Ташкилий ёки бозорий имкониятларни, қўшимча технологияларни олишга ҳаракат қиладилар. Глобаллашув жараёнида тадбиркорлик фаолиятининг асосий роли ТМК ларга тегишли бўлиб қолмоқдалар.

ТМКлар халқаро капитал бозоридаги ўрни ва иштироки


ТМКлар халқаро капитал бозорида ўз бошқаруви остида кучли байналминал тизим яратувчи фаол иштирокчиларга айланишдилар. Илм-фан фаолиятига таянган ҳолда ТМКлар технологиялар яратиш ва уларни глобал тарқатилишида асосий кучга айланади. Етакчи ТМКлар том маънода кўп миллатли бўлиб, саноатлаштириш ва сервис хизматларини кенг ёйиб бериш уларга хос усулдир. ЮНКТАД томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, етакчи кўп миллатли компаниялар жаҳондаги деярли барча мамлакатларда 449 мингдан ортиқ ўз филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириб турганлиги қайд этилган.

Жаҳондаги ўнта йирик ТМКлар хорижий товар айланишининг 30 % ни ва ТМК лар хорижий активлигининг 34 % ни назорат қилиб турибди. 100 тадан ортиқ йирик ТМК ларнинг бирлашган ҳиссадорлик капитали 5,5 трлн. долларни ташкил қилади. Йирик ТМКлар ихтисоси асосан бош тармоқни қамраб олади: электроника ва электр ускуналар (17 фирма), кимё ва фармацевтика (16 фирма), нефть ва бошқа энергоресурслар (14 фирма), автомобиллар ва уларга узеллар, агрегатлар ишлаб чиқариш (14 фирма), шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар (12 фирма) ишлаб чиқариш. Электроника ва электр ускуналари ишлаб чиқариш билан банд ТМКлар кўпроқ хорижий активларга эга. Чет эл филиаллари бирлашган товар-обороти жаҳонда савдода бўлган 80 % электроника, (маиший ва саноат электроника, телекоммуникация воситалари, электр ускуналар)ни ташкил этади.

Кейинги пайтларда капитал бозорида унча катта бўлмаган Бельгия Нидерландия, Швеция, Финляндия каби мамлакатлар ТМК лари роли сезиларли ошаяпти. Миллий бозор имкониятларининг чекланганлари уларни янгиларини излашга мажбур қиляпти.

ТМК лар талаб эҳтиёжнинг ўзгаришига қараб бутун жаҳон бўйича ишлаб чиқаришни фабрикадан-фабрикага кўчириш орқали, қувватларидан унумли фойдаланиш, буюмларнинг умрини узайтиришга ҳаракат қилмоқда. Аввалига

уларни модага ишқибоз бўлган жаҳондаги бой мамлакатларда ишлаб чиқарилишини йўлга қўяди. Сўнгра унчалик бой бўлмаган ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқаришни ташкил этади. ТМК лар шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётини байнаминаллаштиради. Халқаро меҳнат тақсимотига асосланган интеграция ишлаб чиқариш фаолияти ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётининг характерли қирраларини белгилайди.



ТМК ларнинг ривожланиш боскичлари

ТМК лар пайдо бўлишидан 1918 йилгача бўлган даврда картел ва синдикатлар шаклида бўлган

ТМК ларнинг иккинчи авлоди 1918–1939 йилларда трестлар кўринишида шаклланган

ТМК ларнинг учинчи авлоди 1945–1960 йилларда концерн ва конгломератлар кўринишида фаолият юритган

ТМК ларнинг тўртинчи авлоди 1970–1980 йиллар

ТМК ларнинг бешинчи авлоди, XXI аср бошида глобаллашувнинг минтақалашуви жараёнлари даври

ТМК ларнинг 2015 йилги жаҳон рейтинги

рейтинг	Компания	Мамлакати	Обороти млрд. \$	Фойдаси млрд. \$	Актив- лари млрд. \$	Капитал- лашуви млрд. \$
1	ICBC	Хитой	166.8	44.8	3,322	278.3
2	China Construction Bank	Хитой	130.5	37	2,698.9	212.9
3	Agricultural Bank of China	Хитой	129.2	29.1	2,574.8	189.9
4	Bank of China	Хитой	120.3	27.5	2,458.3	199.1
5	Berkshire Hathaway	АҚШ	194.7	19.9	534.6	354.8
6	JPMorgan Chase	АҚШ	97.8	21.2	2,593.6	225.5
7	Exxon Mobil	АҚШ	376.2	32.5	349.5	357.1
8	PetroChina	Хитой	333.4	17.4	387.7	334.6
9	General Electric	АҚШ	148.5	15.2	648.3	253.5
10	Wells Fargo	АҚШ	90.4	23.1	1,701.4	278.3


Манба: <http://forbesreprints.com/global-2000/>.

ТМК ларнинг умумий молиявий оқимлари схемаси



Халқаро молия бозорида ТМК ларнинг иштирок этиш схемаси

Халқаро молия бозорида трансмиллий компанияларнинг иштирок этиш схемаси



Глобал ҳамкорлик ва мажбурият тушунчаси ва моҳияти

Глобаллашув жараёни билан ёнма-ён худудлаштириш жараёнлари ҳам ривож топиб бормокда. Европа иттифоқи (ЕИ), Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси (ШАЭСА), Осиё Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти (ОТИХ), Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) каби интеграциялашган тузилмалар вужудга келдилар. Шундай қилиб жаҳон иқтисодиётида икки ёнма-ён жараён – глобаллашув ва худудийлаштириш жараёнлари бораяпти. Улар бир-бирларини тўлдириб, сайёрамизни ягона иқтисодий кенгликка айлантормокда.

Жаҳон сиёсий ва иқтисодий харитаси кейинги йилларда жиддий ўзгаришларга дуч келди. Руй бераётган ўзгаришлар ва уларнинг динамикаси мамлакатлар халқларини ўтиш-кўчиш, жой алмашиш жараёнлари моҳиятини белгилайди. Бу моҳият илмий-техник ресурслар ривожланиши натижасида инсоният тараққиётининг постиндустриализм босқичини белгилаб беради.

Постиндустриализм – марказида «инсоний капитал» турган янги тип ишлаб чиқаришдир. У каерда зарур шарт-шароитлар вужудга келса ўша ерда билимлар, касб-малака кўникмалари, талант, шахснинг ижодий имкониятларини бирлаштирувчи имконият сифатида юзага чиқади.

Жаҳон модернизациялашаётган кенгликни бир бутунлигича ўша ривожланаётган векторга бирлаштиради. Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги марказида АҚШ, Ғарбий Европа, Япония туришибди ва улар модернизация маркази ҳисобланишади.

Жаҳон хўжалиги учун қуйидаги ривожланиш тенденциялари (интилишлар) характерлидир:

1. Глобал муаммоларни глобал ҳамкорлик ва мажбуриятлар натижасидагина ҳал этиш мумкин. Янги таҳдидлар - СПИД эпидемияси, ракета-ядро технологиясининг тарқалиши, ядро терроризми эҳтимоли хавфи пайдо бўлди. АҚШ нинг «World-watch» институти маълумотларига қараганда, жаҳон ҳар йили 10 млн. гектарга яқин ўрмонни, 9 млрд. тонна ҳайдаладиган ер қатламини йўқотмокда. 2030 йилга бориб жаҳон аҳолиси сони 10 млрд. кишига етиши мумкин. Бу ҳаёт стандартларини саклаш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини 4 марта кўпайтиришни, энергия ишлаб чиқаришни 6 марта оширишни талаб қилади. Турган гап, тез тараққий этган технологияда ҳам бунга эришиш анча қийин бўлади. Дунё аҳолиси сонини барқарорлаштириш учун туғилишнинг ўртача коэффицентини 2,1 даражагача камайтириш лозим бўлади.

2. Жаҳоннинг бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги миллий давлатлар халқаро сиёсий бўлиниши зиддиятига дуч келади. XX аср бошларида халқаро тартибни 6-7 та буюк давлатлар ўз мустамлака империялари билан сиёсий иттифоқчиларига тазйиқ ўтказиш орқали намоён этганди. Оқибатда мустамлакачилик тизимининг емирилиши натижасида 100 дан зиёд давлатлар вужудга келди. «Совук уруш» хавфи тугаганидан кейин бу тенденция янги куч олди. Совет иттифоқи, Югославия, Чехославакия давлатлари парчаланиб кетди, яна ўнлаб янги мустақил давлатлар ташкил топди. Натижада, дунё сиёсий

харитасида 2006 йилда 1945 йилга қараганда мамлакатлар умумий сони уч барабарга кўпайди. Агар бу жараён бундан кейин ҳам давом этадиган бўлса, экспертларнинг фикрича, жаҳон хўжалигида мамлакатлар сони 300 тага етиши мумкин.

Одатда давлатларнинг ташқи сиёсати «миллий манфаатлари» дан келиб чиққан шартлар асосида шаклланади. Кўпинча «миллий манфаатлар» мафкуравий мақсадларга диний ва миллатчилик тусини беради. Бу эса миллий манфаатлар ҳақида нотўғри тасаввурлар уйғотади, халқаро муносабатларда янги глобал воқеликларда тобора кўпроқ зиддиятлар келтириб чиқаради.

Диний ва этник белгига қараб бўлиниш тенденцияси халқаро тизимни алғов-далғов қилиб, боши берк кўчага киритиб қўйишга қодирдир.

3. Модернизация жараёнларида зиддиятларнинг чуқурлашуви. Ривожланган ғарб мамлакатлари модернизация жараёнларида олдинда боришди, мустақил равишда янги технологиялар, ускуналар яратадилар. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар ғарбнинг ташқи таъсири остида модернизация жараёнларига тортилмоқда. Бу уларнинг технологик қарамлигини кучайтириб, жаҳон хўжалиги соҳаларидан ўрин эгаллашини таъминлайди.

4. Жаҳон хўжалигининг уч маркази ўртасидаги зиддиятлар. Ғарбий Европа барча мамлакатларнинг бирлашган потенциали сифат кўрсаткичлари АҚШ ва Японияни бирга қўшиб олган даражада турибди. Шу билан бирга Ғарбий Европа, АҚШ ва Япония ўртасида технологик узилишлар қисқарган бўлсада, ҳозиргача АҚШнинг етакчи ўрнини пасайтира олишгани йўқ.

Валюта уруши давом этапти. АҚШ айниқса бу соҳада алоҳида фаоллик кўрсатапти. Америка доллари ҳозирча жаҳон валюта бозорида валюта заҳираси сифатида етакчи бўлиб турибди. Жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар валюта заҳирасининг 60 % ни Америка доллари ташкил қилади. Ғарбий Европа Евро ҳисоб бирлиги қулай шароит юзага келиши билан ҳақиқий валюта заҳирасига айланиб бормоқда. Ҳозирги кунда тахминларга кўра, унинг улушига 25 % валюта заҳиралари тўғри келади.

5. Ривожланган мамлакатлар ҳамкорлиги. Саноати ривожланган мамлакатлар гуруҳи лицензиялар, патентлар олиш соҳасида устунлигини сақлаб келмоқда. Жаҳон патент ва лицензия оборотининг 90 % уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Саноати ривожланган мамлакатлар хўжалиги иқтисодий ўсишни таъминлаш, инқироз қийинчиликларини енгишда бир-бири билан яқин ҳамкорликда фаолият юритаяпти. Европа интеграциясини муоффақиятли ривожлантирайти, коллектив хавфсизлик мустаҳкамланаяпти. Ривожланган мамлакатлар Европа мамлакатларида иқтисодий ислохатларни қўллаб-қувватлатламоқдалар.

Шундай қилиб, ҳозирги замон жаҳон хўжалигининг уч маркази рақибликни йўқотмасда ҳамкорликка урғу бермоқда.

Назорат саволлари

1. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларни таснифлашнинг моҳияти ва мазмуни.
2. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ривожланиш даражаси.
3. Халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатларни иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифлаш усуллари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. О. П. Тимошенко, Е. А. Павленко, О. А. Силич. Внешнеэкономическая деятельность предприятия: учебное пособие. - Новосибирск: Сибстрин, 2008.
2. С. П. Мальцев, М. В. Соловьева. Внешнеэкономическая деятельность: учебное пособие. — М.: Изд-во МГОУ, 2010. — 213 с.
3. Нигматуллина Р. А. Внешнеэкономическая деятельность в сфере услуг: учебное пособие по специальности 100103.65 «Социально – культурный сервис и туризм». – Уфа: УГУЭС, 2013. – 80 с.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илғор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар жаҳон иқтисодиётига таълуқли бўлган маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолаш; кузатишлар натижасида олинган маълумотларни тизимлаш ва қайта ишлаш; маълумотларни қайта ишлаш натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш амалий кўникмалар ҳосил қиладилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув хусусиятлари

Дарс шакли баҳс-мунозара. Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Глобаллашув жараёнининг мазмун-моҳияти.
2. Глобаллашув назарияси ва глобал иқтисодиёт, унинг асосий хусусиятлари.
3. Глобализация – иқтисодий ҳодиса.

Калит сўзлар: жаҳон иқтисодиёти, глобаллашув, байналмилаллашув, глобал бозор, очик иқтисодиёт. **Муҳокама учун саволлар**

1. Глобаллашув жараёнининг мазмун-моҳияти;
2. Глобаллашувнинг асосий хусусиятлари.

Кучли томонлари	Заиф томонлари

1. Глобализацияни иқтисодиётга таъсири қандай?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. 1.Клюков Л.Н.Мировая экономика и экономическая теория.М., 2014.
3. Думная Г.М.Новая экономическая теория. М.,2013

2-амалий машғулот. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви босқичлари ва ривожланиш тенденциялари

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Жаҳон хўжалигининг тараққиёт босқичлари ва тенденциялари.

Дарс шакли: Дебат усули. Муҳокама этиладиган масалалар ва кейс - стади.
“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари


Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш

🔍 Муҳокама учун саволлар

1. Жаҳон хўжалигининг тараққиёт босқичлари ва тенденциялари.
2. ТМКлар халқаро капитал бозоридаги ўрни ва иштироки.
3. Глобал ҳамкорлик ва мажбурият тушунчаси ва моҳияти.

Калит сўзлар: трансмиллий компаниялар, глобал ҳамкорлик, капитал бозори, иқтисодий байналмилаллашув.

1. ТМКлар халқаро капитал бозоридаги ўрни ва иштироки (“Балик скелети” техникаси орқали ёритиб беринг).



Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.

3-амалий машғулот. Глобаллашув шароитида инвестицион фаолият орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида интеграциялашуви.
 2. Глобаллашувнинг давлатнинг инвестиция сиёсатида таъсири.
 3. Глобаллашув шароитида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш.
- Дарс шакли: Дебат усули.

✎ Муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида интеграциялашуви (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).

Кучли томонлари	Заиф томонлари

2. ФСМУ технологияси ёрдамида “Глобаллашувнинг давлатнинг инвестиция сиёсатида таъсири қандай?”(саволини йўналтирувчи услубий тавсиялар асосида ечиш).

Йўналтирувчи услубий тавсиялар: ресурслардан самарали фойдаланиш, халқаро савдо, экспорт, импорт ва ҳ.к.

Савол	“Глобаллашувнинг давлатнинг инвестиция сиёсатида таъсири”
(Ф)-Фикрингизни баён этинг	
(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумлаштиринг	

ФСМУ технологияси қондаси.

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ холда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа холда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

Фойдаланилган адабиётлар

1. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
2. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
3. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.

V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

“Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви” модулидан битирув ишлари учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор ёналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида илгари сурилган иқтисодий масалалар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишни таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (ПФ-4848.05.10.2016 й.) да тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш масалалари.

3. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган иқтисодий масалалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони (7 феврал 2017 й.) мақсади ва вазифалари.

5. Жаҳон иқтисодиётда Янги индустриал давлатларнинг тутган ўрни.

6. Бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларнинг иқтисодий ривожланиш моделлари.

7. Жаҳон хўжалигида иқтисодий хавфсизлик муаммолари.

8. Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорацияларнинг тутган ўрни.

9. Жаҳон хўжалигида иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланиш муаммолари.

10. Эркин иқтисодий ҳудудлар ва уларни ташкил этиш муаммолари.

11. Халқаро рақобат ва унинг замонавий шароитда юзага чиқиш хусусиятлари.

12. Замонавий жаҳон хўжалиги субъектлари ва мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётдаги ўрнини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими.

13. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмуни ва моҳияти.

14. Халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик.

15. Жаҳон иқтисодиётида озиқ-овқат муаммоси.

16. Германия Федератив Республикаси иқтисодиёти.

17. Франция Республикаси иқтисодиёти.

18. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги иқтисодиёти.

19. Италия Республикаси иқтисодиёти ва жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.

20. Япония иқтисодиёти.

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

Philips компанияси маиший техника ишлаб чиқариш заводларини сотмокда

Philips electronics компанияси маиший техника ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бир нечта заводларини сотишни мулжалламокда. Бундан ташқари *Philips* видеомагнитофонларини ишлаб чиқариш ҳуқуқи Япониянинг **Funai Elecric** корпорациясига берилади. Голландия компаниясининг бу қарори рақамли видеодисклар ишлаб чиқариш каби видео ёзиш соҳасининг жуда мукамал ривожланиб кетиши билан изоҳланади. *Philips* нинг маиший бўлим мудирини Ги Демейнкнинг фикрига кўра **Funai Elecric** билан ҳамкорлик компанияга дунёда етакчи ўринлардан бирини сақлаб қолишида кўл келади. Агар аввал Японияда *Philips* маркази билан ишлаб чиқарилган видеомагнитофонлар АҚШ учун сотилган бўлса, энди бу маҳсулот Европа бозорини ҳам тўлдириши кўзда тутилган.

Июнь ойида Голландия компанияси раҳбарияти фойда келтирмаётганлиги сабабли мобил телефонлар ишлаб чиқариш ҳуқуқини Хитойдаги кўшма корхонага берилишини эълон қилди. Харажатларни қисқартиришга йўналтирилган реструктуризация режаси ўз ичига оммавий равишда ходимлар штатларини қисқартиришни ҳам ўз ичига олади. Олдин 10 минг та ходимни ишдан бўшатиш режалаштирилган эди. Реструктуризация аввало маиший техника соҳасидаги ходимларга қаратилади. Таҳлилчилар фикрига кўра, компанияни бошқариш курси ва йўналиши олдиндан айтиш мумкин, чунки *Philips* компанияси маиший техниканинг янги турларини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмокда.

Топшириқлар

1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг қайси тури тўғрисида гап кетмокда? Ким унинг субъекти ҳисобланади?
2. Ушбу ҳолатни халқаро савдонинг қайси назарияси тўларок ва аниқроқ еритади?

Германия иммигрантлар учун ўз эшикларини кенгроқ очишга ҳаракат қилмокда

Берлинда яқинда ҳукумат комиссиясининг қарори эълон қилинди, унга кўра Германия давлати ҳар йили 50 мингга яқин иммигрантларни қабул қилиши лозим, ақс ҳолда ишчи кучи етишмаслиги оғир муаммога айланиши мумкин. Экспертлар комиссияси мамлакатга чет элликлар келиши борасидаги муаммоларни ўрганиб чиқди. Бундан чиқарилган асосий хулоса шундан иборат бўлдики, ёш ва малакали мутахассислар Германияга келмайдиган бўлса, туғилиш кескин суръатлар билан камайиб бораётган бу пайтда иқтисодий

тараққиёт ва юқори хаёт тарзи каби орзулар хом хаёллигича қолиб кетавериши мумкин.

Бунинг учун Германияга асосан уч турдаги иммигрантларни жалб қилиш керак бўлади. Нисбатан ёш ва 45 ёшгача бўлган малакали 20 мингта чет эллик мутахассислар Германияда чегараланмаган муддатда яшаш ва шу ерда ишлаш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Бунинг учун номзодларни балли система ёрдамида синовдан ўтказилади. Номзодлар қанчалик ёш, малакали ва тажрибали булса уларга шунчалик кўп балл қўйилади. Чет тилларини, хусусан немис тилини билиш ва фарзандларнинг борлиги Германияга бориш имкониятини янада оширади. Иккинчи категорияда ҳам 20 мингта номзодлар сараланиб олинади. Бунга ҳозирги вақтда Германияда жуда камёб мутахассислик эгалари киритилади. Улар Германияда вақтинчалик яшаш ва ишлаш ҳуқуқини қўлга киритишади. Иммигрантларнинг учинчи категориясида мактабларнинг битирувчиларини жалб қилиш назарда тутилган. Улар Германияда профессионал техник маълумот олишлари мукин ва хохишига кўра Германияда доимий қолишлари мумкин. Шу билан бирга чет эллик олимларнинг Германияга келишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган.

Давлат томонидан бериладиган ёрдамга чет элдан келиб Германияда уз ишини очмоқчи бўлганлар ишонишлари мумкин. Бу масалан, кимевий тозалаш корхонаси, автоустахона ёки ресторан ва хатто банк ҳам бўлиши мукин. Асосийси солиқларни ўз вақтида тулашдир.

Топшириклар

1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг қайси тури тўғрисида гап кетмоқда? Ва қайси муаммони хал қилиш лозим?
2. Иммиграциянинг қайси кўринишлари ҳақида тўхтаб ўтилди?
3. Германия иммиграцион сиёсатининг қайси инструментларини ишлатмоқда?
4. Германия иммигрантларини қабул қилиб қайси имкониятлага эга бўлади?

VII. ГЛОССАРИЙ

“Brain drain”	Утечка МОЗГОВ	“Aqli kishilarning ketib qolishi”	- mamlakatning intellektual salohiyatli vakillarini chet elda ishga joylashish maqsadida chiqib ketishi.
Stock	АКЦИЯ	Aksiya	– qimmatbaho qog‘oz, u hissadorlik jamiyatini rivojlantirishga mablag‘ sarflanganligi dalolati bo‘lib, uning egasiga hissadorlik jamiyati foydasining bir qismini dividend tariqasida olish huquqini beradi.
Association	Ассоциация	Assotsiatsiya	– xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning ixtiyoriy birlashmasi.
Employment	Занятость	Bandlik	– mehnatga layoqatli aholining ijtimoiy foydali mehnat bilan mashg‘ul bo‘lishi; fuqarolarning shaxsiy va ijtimoiy ehtiyojlarini qondirish bilan bog‘liq bo‘lgan va qonunga zid kelmaydigan, mehnat daromadi beradigan faoliyati.
Bancrupt	Банкрот	Bankrot	-xo‘jalik sudi tomonidan e’tirof etilgan, qarzdorning pul majburiyatlari bo‘yicha kreditorlar talablarini to‘la xajmda qondirishga yoki majburiy to‘lovlar bo‘yicha o‘z majburiyatini bajarishga qodir emasligi.
The requirements of the Basel Committee	Требования Базельского комитета	Bazel qo‘mitasi talablari	– bank tizimining barqaror amal qilishi hamda o‘z majburiyatlarini bajara olishini ta’minlash uchun o‘rnatilgan xalqaro me’yorlar majmui bo‘lib, u kapitalning etarlilik

			darajasini, banklarni nazorat qilish jarayoniga hamda bozor intizomiga qo'yilgan talablarni ifodalaydi.
The Customs Union	таможенный союз	Bojxona ittifoqi	- ikki va undan ortiq davlatlarning bir-biriga va uchinchi mamlakatlarga nisbatan soddalashtirilgan tarif siyosatini o'tkazishidir.
customs tariff	таможенный тариф	Bojxona tarifi	- tovar oqimlarining chegarani kesib o'tishida davlat tomonidan olinadigan soliq miqdori ko'rsatilgan tartiblangan tovarlar ro'yxati
The market	Рынок	Bozor	– sotuvchilar va xaridorlar o'rtasidagi mahsulot sotish va xarid qilish bo'yicha erkin munosabatlar tizimi. Bozorlar o'z hududiy masshtabiga ko'ra lokal, milliy va xalqaro bozorlarga bo'linadi. Oldi-sotdi ob'ekti bo'lib, iste'mol tovarlari, resurslar, (mehnat, kapital, yer, tadbirkorlik qobiliyati, axborot) va xizmatlar hisoblanadi.
budget deficit	бюджетный дефицит	Byudjet defitsiti	– byudjet xarajatlarining byudjet daromadlaridan oshib ketishi natijasida vujudga kelgan taqchillik.
The income	Доход	Daromad	– tadbirkorlik yoki boshqa faoliyat natijasida pul yoki natura shaklida olinadigan mablag'lar.
State budget	госбюджет	Davlat byudjeti	- davlat daromatlari va sarflarining moliyaviy rejasi.

deflation	дефляция	Deflyatsiya	– inflyatsiya davrida muomaladagi qog'oz pulni kamaytirish. Davlat tomonidan muomaladagi pul miqdorini kamaytirishga qaratilgan moliya va pul - kredit tadbirlarini qo'llash orqali amalga oshiriladi.
The demographic explosion	Демографический взрыв	Demografik portlash	- jahonning kam rivojlangan va kambagal mamlakatlarida nazorat kilib bo'lmaydigan darajada aholi sonining o'sishi.
diversify	диверсифицировать	Diversifikatsiya	– (lotinchadan diversus- har xil va facere-qilmoq, bajarmoq) – ishlab chiqarishning samaradorligini oshirish, mahsulot va xizmatlarni sotish bozorlarini kengaytirish maqsadida tarmoq va korxonalar faoliyat sohalarini kengaytirish, mahsulot va xizmatlar assortimentlarini ko'paytirish.
The dividend	Дивиденд	Dividend	– hissdorlik jamiyati foydasining (soliqlar to'lanib, barcha qarz beruvchilar bilan hisob-kitob qilinganidan keyingi) hissdorlar o'rtasida ular qo'lidagi aktsiyalarga mutanosib tarzda taqsimlanadigan qismi.
The export quota	экспортная квота	Eksport kvotasi	- mamlakat eksporti hiymatining unig yalpi ichki mahsuloti (YaIM)ga nisbati (foizlarda).
embargo	эмбарго	Embargo	- alohida mamlakat yoki davlatlar guruhi bilan savdoni butunlay ta'qiqlash.

free trade zone	Зона свободной торговли	Erkin iqtisodiy hudud	-mamlakat hududining xorijiy mamlakatlar tomonidan turli shakllardagi hamkorlikdagi tadbirkorlik bilan shug'ullanishlari uchun ruxsat etilgan qismi. Mazkur zonalarda maxsus imtiyozli shart-sharoitlar, jumladan, imtiyozli soliqlar, bojxona to'lovlari, ijara, viza olish, valyuta ayirboshlash, mehnatga yollashning qulay tartiblari belgilangan bo'ladi.
Stock market	фондовый рынок	Fond bozori	- qimmatli qog'ozlar va boshqa moliyaviy vositalarning oldisotdi jarayonlari amalga oshiriluvchi maxsus tashkillashtirilgan bozor.
franchising	франчайзинг	Franchayzing	- bir kompaniyaning boshqa yirikroq yoki bosh kompaniyaning savdo markasi, tovar belgisi va boshqa atributlaridan foydalanish.
GATT	ГАТТ	GATT	-Savdo va tariflar bo'yicha Bosh kelishuv - tashqi savdo operastiyalarini o'tkazishda belgilangan tamoyillarga amal qilishga rozi bo'lgan mamlakatlarni birlashtiruvchi savdo va tarif masalalari bo'yicha xalqaro akTayvan
immigration quota	иммиграционная квота	Immigratsion kvota	xorijiy fuqarolarning kirib kelishini davlat tomonidan miqdoriy cheklash.
The inflation rate	Уровень инфляции	Inflyatsiya darajasi	– ma'lum vaqt ichida (oy, yil) narxlar darajasining foizdagi o'zgarishi.

innovative technologies	ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ	Innovatsion texnologiyalar	– iqtisodiyotga yangiliklarni tatbiq etish bosqichlarida qo'llaniluvchi usul va vositalar majmui bo'lib, o'z ichiga joriy etish, trening, konsalting, transfert, audit, injiniring kabi turlarini oladi.
investment credit	ИНВЕСТИЦИОННЫЙ КРЕДИТ	Investitsion kreditlar	– ishlab chiqarishni kengaytirish, texnik va texnologik jihatdan yangilash, modernizastiyalash va rekonstruktsiya qilish, yangi bino va inshootlarni qurish uchun zarur bo'lgan vositalar hamda qimmatli qog'ozlarni sotib olish maqsadida olingan uzoq muddatli kreditlar.
The investment	Инвестиция	Investitsiya	– bu iqtisodiy samara (foyda, daromad) olish yoki ijobiy ijtimoiy natijaga erishish uchun sarflanadigan pul mablag'lari, banklarga qo'yilgan omonatlar, paylar, qimmatli qog'ozlar (akstiya, obligatsiyalar), texnologiyalar, mashinalar asbob-uskunalar, listenziyalar va samara beradigan boshqa har qanday boyliklardir.
ИНВЕСТИЦИОННЫЙ КЛИМАТ	ИНВЕСТИЦИОННЫЙ КЛИМАТ	Investitsiya muhiti	– investitsiyalar jozibadorligi hamda xavf-xatar darajasini belgilab beruvchi ijtimoiy-iqtisodiy, moliyaviy va siyosiy omillar majmui.
investor	инвестор	Investor	- xususiy va qarzga olingan mulkiy va intellektual qiymatlarni sarflash haqida qaror qabul qiluvchi investitsiya faoliyati sub'ektlari. Investorlar ob'ektlar va investitsiya natijalariga egalik qilish, foydalanish va tasarruf qilish

			huquqiga ega bo'ladi.
Economic activity	Экономическая деятельность	Iqtisodiy faoliyat	– cheklangan iqtisodiy resurslardan unumli foydalanib, kishilarning yashashi, kamol topishi uchun zarur bo'lgan hayotiy vositalarni ishlab chiqarish va iste'molchilarga etkazib berishga qaratilgan, bir-biri bilan bog'liqlikda amal qiladigan turli-tuman faoliyatlar majmui.
economic integration	экономическая интеграция	Iqtisodiy integratsiya	- hududiy miqyosda sifat jihatdan yangi iqtisodiy muhitni yaratish yo'li orqali milliy xo'jalik komplekslarini o'zaro yaqinlash va bir-biriga kirib borishi jarayoni.
economic alliance	Экономический союз	Iqtisodiy ittifoq	- iqtisodiy integratsiyaning oliy ko'rinishi, u umumiy huquqiy me'yorlar, soliq bazasini soddalashtirilishi, ishlab chiqarish va ijtimoiy sohalarda yagona standartlarni joriy etish, yagona valyutaga o'tish kabilar bilan tavsiflanadi.
Economic growth	Экономический рост	Iqtisodiy o'sish	– mamlakat miqyosida yalpi ichki mahsulotning aholi jon boshiga yildan-yilga barqaror o'sib borish jarayoni.
Economic resources	Экономические ресурсы	Iqtisodiy resurslar	– tovar ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish jarayonlarida foydalanish mumkin bo'lgan barcha vosita va imkoniyatlar majmui.
Economy	Экономика	Iqtisodiyot	– mulkchilikning turli shakllariga asoslangan xo'jaliklardan, xo'jaliklararo, davlatlararo birlashmalar,

			<p>korporatsiyalar, konsernlar, qo'shma korxonalar, moliya va bank tizimlaridan, davlatlar o'rtasidagi turli iqtisodiy munosabatlardan iborat o'ta murakkab ijtimoiy tizim.</p>
Manufacture	Производство	Ishlab chiqarish	<p>– biznes korxonalarining asosiy faoliyat turi bo'lib, bu jarayon cheklangan resurslardan foydalangan holda amalga oshiriladi.</p>
The World Bank	Всемирный банк	Jahon banki	<p>– 1944 yilda Xalqaro valyuta jamg'armasi bilan bir vaqtda tuzilgan birinchi davlatlararo investitsiya institutidir. Bank o'zining faoliyatini 1946 yil 25 iyundan boshlagan.</p>
World market	мировой рынок	Jahon bozori	<p>- moddiylashtirilgan va moddiylashtirilmagan ko'rinishidagi ijtimoiy mahsulotni ishlab chikarish, taqsimlash, ayirboshlash va iste'mol boskichlarni o'z ichiga oluvchi XIM sub'ektlari (milliy va hududiy iqtisodiyotlar, xalqaro tashkilotlar va korporatsiyalar)ning o'zaro iqtisodiy ta'sirlashish global muhitidir.</p>
World market conditions	Конъюнктура мирового рынка	Jahon bozori kon'yunktura si	<p>-jahon tovar bozorlaridagi sotish sharti, ushbu bozorlardagi talab, taklif, narxlar darajasi, ularning o'zgarish tendensiyalari.</p>
World Market Workers Labor	Мировые рынок рабочие труда	Jahon ishchi kuchi bozori	<p>- milliy xo'jalik tizimlari va jahon iqtisodiyoti doirasida ishlab chiqaruvchi kuchlarning darajasi, tabiati va joylashuviga sezilarli ta'sir etuvchi iqtisodiy faol aholining mamlakatlar va</p>

			hududlar o'rtasida jami migrastion aylanmasi.
The World Trade Organization	Всемирная торговая организация	Butunjahon savdo tashkiloti	- xalqaro savdoni institustional va xuquqiy asosini tashkil etuvchi mustaqil davlatlararo tashkiloTayvan
cartel	картель	Kartel	- tashqi savdo assostiastiyasi (uning a'zolari alohida tovar guruhlari bo'yicha ishlab chiqarish va narx siyosatini muvofiqlashtirib olishadi).
Group of twenty	Большая двадцатка	Katta yigirmatalik	– 20 ta yirik mamlakatlar guruhi bo'lib, unga jahondagi eng boy mamlakatlar va yirik rivojlanayotgan davlatlar kiradi va ular xissasiga jahon yalpi ichki mahsulotining 90 foiz ulushi to'g'ri keladi.
Conjuncture	Конъюнктура	Kon'yunktura	– bozor mexanizmi sharoitlarida rivojlanishning qonuniyatli shakllari davlat tomonidan tartibga solinishi va raqobatning, iste'molchilar, korporatsiyalar hamda davlat muassasalari va korxonalari tomonidan qaror qabul qilishdagi mutaqillikning muvozanati bilan belgilanuvchi jarayonlar: muayyan iqtisodiy faoliyat omillari va shart-sharoitlari yig'indisi.
Concern	Концерн	Kontsern	– ma'lum bir turdagi vazifalarni bajarish uchun vaqtincha tuzilgan ilmiy-texnikaviy, investitsion tarkibiy, moliyaviy va tashqi iqtisodiy siyosatni hamda tegishli resurslarni

			markazlashtiruvchi korxonalar birlashmasi.
Cooperative ties	Кооперативные связи	Kooperatsiya aloqalari	– turli soha ishlab chiqarish tarmoqlarida ma'lum mahsulotni tayyorlash bo'yicha uzoq muddatli aloqalarni o'rnatish.
Corporation	Корпорация	Korporatsiya	– hissadorlik jamiyati yoki hissadorlik birlashmasi ko'rinishidagi huquqiy shaxs shakli. U chiqarilgan aktsiyalar qiymati bilan cheklangan majburiyatlar bo'yicha mas'uliyatli bo'ladi, o'z nomidan tovarlar ishlab chiqarish va xizmatlarni bajarish, kontraktlar tuzish, qarz olish yoki berish, boshqa har qanday fuqarolik harakatlarini amalga oshirish huquqiga ega.
The credit	Кредит	Kredit	– qarz mablag'ining harakat shakli. Qaytarish va to'lov (foizni to'lash) shartlari bilan beriladigan pul yoki tovar shaklidagi qarz kredit beruvchi bilan qarz oluvchining iqtisodiy munosabatlarini ifodalaydi. Kreditning tijorat, davlat, bank, iste'mol, xalqaro shakllari mavjud.
labor market	рынок труда	Mehnat bozori	-mehnatga qobiliyatli aholining ish bilan band bo'lgan va band bo'lmagan qismlari va ish beruvchilar o'rtasidagi munosabatlarni hamda ularning shaxsiy manfaatlarini hisobga oluvchi shartnomalar asosida ishchi kuchi xarid qilish - sotishni amalga

			o'shiruvchi, shuningdek, unga bo'lgan talab va taklif o'rtasidagi nisbatlarni bevosita tartibga soluvchi, bozor iqtisodiyotining murakkab, ko'p aspektli, o'suvchi va ochiq ijtimoiy-iqtisodiy tizimchasidir.
modernization	модернизация	Modernizatsiya	-ob'ektni takomillashtirish, yaxshilash, yangilash, uni yangi talab va me'yorlarga, texnik shart-sharoitlarga, sifat ko'rsatkichlariga moslashtirish.
The financial market	Финансовый рынок	Moliya bozori	– moliya mablag'larini vaqtincha haq to'lab ishlatish yoki ularni sotib olish yuzasidan bo'lgan munosabatlardir.
Financial and banking system	Финансовая и банковская система	Moliya-bank tizimi	-tarixan shakllangan va belgilangan qonun qoidalar asosida faoliyati yurituvchi mamlakatdagi moliya–kredit muassasalari majmuidir.
preferences	Предпочтения	Preferensiya	– iqtisodiyotni maqsadga muvofiq rivojlantirish va tartibga solishda ayrim soha va tarmoqlar, korxonalar va ishlab chiqarish turlariga nisbatan beriluvchi imtiyoz, afzallik va ustuvorliklar.
protectionism	протекционизм	Proteksionizm	– davlatning xorij raqobatidan ichki bozorni himoya qilish siyosati, mamlakatga olib kelinayotgan tovarlarga yuqori bojlar belgilaydi, ayrim tovarlarni olib kelish cheklanadi yoki umuman taqiqlanadi.
Monetary and Credit Policy	Денежно-кредитная политика	Pul - kredit siyosati	– davlat tomonidan iqtisodiy o'sishni ta'minlash maqsadida pul muomalasini tashkil etish va barqarorligini ta'minlash uchun amalga oshiriladigan barcha chora-tadbirlar majmui.

external debt	внешний долг	Tashqi qarz	– mamlakat hukumati, moliya-kredit tashkilotlari, yirik korxonalarining boshqa mamlakatlar moliya-kredit muassasalaridan qarzga olgan moliyaviy mablag'larining jami hajmi.
Foreign trade	внешнеторговый	Tashqi savdo	– bir mamlakatning boshqa mamlakatlar bilan savdosi.
Foreign Trade Policy	Политика внешней торговли	Tashqi savdo siyosati	– bir mamlakatni boshqa mamlakatlar bilan olib borayotgan savdosi (eksporti va importi) borasidagi siyosati.
Technology	Технология	Texnologiya	– tovarlar ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatish to'g'risidagi amaliy bilimlar.
Direct investments	Прямые инвестиции	To'g'ridan-to'g'ri investitsiyalar	- foyda olish bilan birgalikda kapital ko'yilayotgan ob'ekt ustidan nazoratni ta'minlash xuquqini beruvchi kapital qo'yilmalari.
balance of payment	Платежный баланс	To'lov balansi	-muayyan muddat davomida mamlakatning xorijiy davlatlarga to'lagan va xuddi shu davr mobaynida mamlakatga xorijiy davlatlardan tushgan to'lovlar summolari nisbatini tavsiflaydi. To'lov turkumiga tashqi qarz, uning foizi, chetdan olingan tovarlar va xizmatlar haqi, xorijiy investitsiyalar, xorijda diplomatik ishlarni, iqtisodiy aloqalarni yuritish xarajatlari, fuqarolar va qo'shma korxonalarining chet elga pul o'tkazmalari va boshqalar kiradi.

The total market	общий рынок	Umumiy bozor	- ishlab chiqarish omillarini milliy chegaralar orqali erkin ko'chib o'tishi ta'minlanadigan iqtisodiy integratsiya ko'rinishi.
currency	валюта	Valyuta	- ma'lum bir davlatning qonun bilan o'rnatilgan pul vositasi (milliy valyuta), bir yoki bir necha etakchi mamlakatlarning valyutasi ko'rinishidagi jahon rezerv pullari
International cooperation	международное кооперация	Xalqaro kooperatsiyasi	- ishlab chiqarish bosqichlarining o'zaro bir-birini to'ldirishi va ularni muvofiqlashtirish maqsadida milliy iqtisodiy komplekslarning xamkorlik qilishi.
International Economic Relations	Международные экономические отношения	Xalqaro iqtisodiy munosabatlar	-mamlakatlar va hududlar o'rtasidagi, xalqaro tashkilotlar va korporatsiyalar ishtirokidagi xo'jalik aloqalari tizimi.
		Xalqaro ishlab chiqarishning ixtisoslashuvi	-mamlakatlar o'rtasidagi mexnat taqsimoti ko'rinishi bo'lib, unda o'zlarining ichki extiyojlaridan ortiqcha bir turdagi maxsulotlar tayyorlash bilan shugullanuvchi milliy ishlab chiqarishlarning tabaqalanishi yuz beradi.
international organizations	международные организации	Xalqaro tashkilotlar	-ularning har biri xalqaro siyosatda o'zlarining faoliyat maqsadlari yo'nalishlariga qarab, yer yuzi taraqqiyotida egallab turgan mavqelariga qarab, umuman xalqaro siyosiy-amaliy munosabatlar jarayonida harakatlarga

			kirishadigan boshqa xalqaro tashkilotlar tizimidagi maqomlariga qarab ahamiyat kasb etadilar.
international transit	международный транзит	Xalqaro tranzit	-xorijiy yuklarni jo'natish va qabul qilib olish punktlari berilgan mamlakat hududidan tashqarida bo'lishi shartida tashilishidir. Agar tovarlar bojxona omboriga joylashtirilmasdan tashilsa bevosita xalqaro tranzit, bojxona omboridan foydalanilsa – bilvosita xalqaro tranzit hisoblanadi.
International Monetary Fund (IMF)	Международный валютный фонд (МВФ)	Xalqaro valyuta jamg'armasi	– xalqaro savdo va valyuta hamkorligini rivojlantirishga ta'sir ko'rsatish maqsadida 1944 yilda tashkil etilgan xalqaro valyuta-moliya tashkiloti. Xalqaro valyuta jamg'aramasi – a'zo davlatlar o'rtasida valyuta-kredit munosabatlarini tartibga solib turish va ularga to'lov balansining kamomadi bilan bog'liq valyutaviy qiyinchiliklar paytida chet el valyutasida qisqa va uzoq muddatli kreditlar berish yo'li bilan moliyaviy yordam ko'rsatish uchun mo'ljallangan hukumatlararo tashkiloTayvan
Service sector	сектор услуг	Xizmat ko'rsatish sohasi	– ijtimoiy ishlab chiqarishning moddiy-buyumlashgan ko'rinishga ega bo'lmagan iste'mol qiymatlarini yaratishga yo'naltirilgan sohalari. U o'z ichiga moddiy xizmatlar ko'rsatish (transport, aloqa, savdo, maishiy xizmat va

			boshqalar) hamda nomoddiy xizmatlar ko'rsatish (huquqiy maslahatlar berish, o'qitish, malaka oshirish va boshqalar)ni oladi.
Gross domestic product	Валовой внутренний продукт	Yalpi ichki mahsulot	-mamlakatda bir yil davomida ishlab chiqarilgan jami pirovard mahsulot va xizmatlarning bozor qiymati
New industrial countries	Новые индустриальные страны	Yangi industrial mamlakatlar	- iqtisodiy jihatdan eng tez rivojlanayotgan Osiyo, Afrika va Lotin Amerikasidagi davlatlar guruhi.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги "Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 278-сонли Қарори.

II. Махсус адабиётлар

1. Me Connell, Brue. Economics. 17th edition. Mcgraw-hill/Irwin, USA, 2014.
2. N. Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7th edition. Amazon, USA 2016.
3. Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19th Edition. McGraw-Hill Companies. USA. 2015.
4. Бондарев А.К. Международные экономические отношения: Учебник/ А.И.Евдокимов, А.К.Бондарев, С.М.Дроздов; Под ред. А.И.Евдокимов.- М.: Проспект 2013, 656 с.
5. Пономарева Е.С. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебное пособие/Е.С.Пономарева, Л.А.Кривенцова. - М.: ЮНИТИ, 2013. - 287 с
6. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
7. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
8. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
9. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
10. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
11. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев.- М.: Дашков и К, 2013.- 352 с.

12. Мороз И.И. Мировая экономика и международные экономические отношения (для бакалавров) / И.И.Мороз.-М.: КноРус, 2013. 256 с.
13. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2007, - 14 б.
14. Международные валютно–кредитные отношения: Учебник для вузов /Под ред.Л.Н.Красавиной. –4–е изд., перераб. и доп. –М.: Издательство Юрайт, 2014. –543с.
15. G.G.Nazarova, Z.M.Iminov, X.X.Xalilov, O.V.Hamidov. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar. Darslik. –TAYVAN: TDIU, 2011.
16. Экономика стран ближнего зарубежья: Учеб.пособие / Мос. Гос. и-т междунар. отношений (ун-т) МИД России; Под ред. А.С.Булатова - М.: Магистр: ИНФРА-М, 2011. - 352 с.- ЭБС : <http://znanium.com/>
17. Захарова Н. В. Страны Европы: Справ. пособие / Н.В. Захарова. - М.: Магистр: ИНФРА-М, 2010. - 270 с.- ЭБС : <http://znanium.com/>
18. Авдокушин Е. Ф. Страны БРИКС в современной мировой экономике / Е.Ф. Авдокушин, М.В. Жариков. - М.: Магистр: НИЦ Инфра-М, 2013. - 480 с.- ЭБС : <http://znanium.com/>
19. Зарицкий Б. Е. Экономика ФРГ: Учеб. пособие / Б.Е. Зарицкий. - М.: Магистр, 2010. - 351 с.- ЭБС : <http://znanium.com/>
20. Раджабова З.К. Мировая экономика: Учебник / З.К. Раджабова. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2010. - 304 с.- ЭБС : <http://znanium.com/>
- Кудров В. М. Мировая экономика: Учеб. пособие / В.М. Кудров. - М.: Магистр: НИЦ ИНФРА-М, 2013. - 416 с.- ЭБС: <http://znanium.com/>
21. William Forsyth Sharpe. Portfolio Theory and Capital Markets. USA. McGraw-Hill. 2000. pp.123.
22. Markowitz Н.М. Portfolio Selection: Efficient Diversification of Investments. New York: 2nd ed. Basil Blackwell, 1991. pp. 93.

III. Интернет ресурслари

1. www.gov.uz — Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
2. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. www.uza.uz — Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги
4. www.ifmr.uz - Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти
5. www.ziyonet.uz - Ziyonet таълим портали
6. www.economics.ru — “Экономическая газета” газетасининг расмий сайти

